



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 21 » ноябрь

№ 738

Toshkent sh.

SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон қарорини ижро этиш, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг оиласиий шаклини ва бошқа муқобил шаклларини жорий қилиш, уларнинг ҳамжамиятга тезда ижтимоий мослашиши учун кенг имконият яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 12 августдаги 263-сон қарорига мувофиқ SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмасининг Ташкент, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида жойлашган болалар маҳаллалари, ёшлар уйлари ва ижтимоий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаштиришга қабул қилинганини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси бўлинмаларининг фаолиятини тўғри ифодалаш мақсадида:

болалар маҳаллалари – болаларни муқобил парвариш қилиш хизматлари;

ёшлар уйлари – ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматлари;
ижтимоий марказлар – ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматлари деб номлансин.

3. Қўйидагилар:

Болаларни муқобил парвариш қилиш хизматларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаптириш тўғрисида” 2016 йил 12 августдаги 263-сон қарорининг 1-банди ва қарорга илованинг 4-позициясидаги “болалар маҳаллалари, ёшлар уйлари ва ижтимоий марказларнинг” сўзлари тегишлича “болаларни муқобил парвариш қилиш хизматлари, ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматлари ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматларининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “2” ноябрдаги 738 -сон қарорига
1-илова

**Болаларни муқобил парвариш қилиш хизматларининг фаолиятини
ташкил қилиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ва тўлиқ давлат таъминотидаги болалар (кейинги ўринларда – болалар) учун SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмасининг болаларни муқобил парвариш қилиш хизматларининг (кейинги ўринларда – хизмат) мақомини ва уларни ташкил қилиш тартибини белгилайди.

2. Хизмат SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси филиалининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади (кейинги ўринларда – филиал), унинг доирасида болалар оиласада ёки оиласа ўхшаш мухитда, шунингдек, муқобил парвариш қилишнинг бошқа шаклларида тарбияланадилар.

3. Хизмат боланинг оиласада яшаш, тарбияланиш, соғлигини сақлаш, таълим олиш, мъянавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланиш, меҳнат тарбиясига бўлган ҳукуқларини рўёбга чиқариш, болага нисбатан номуносиб муомалада бўлишдан ҳимоя қилиш ва жамиятга қўшиш мақсадида тузилади.

4. Хизматнинг асосий вазифалари қўйидагилардир:

оиласада ёки оиласа ўхшаш мухитда, шунингдек, муқобил парвариш қилишнинг бошқа шаклларида болаларнинг ақлий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишига ёрдам берадиган қулай мухитни яратиш;

болалар ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини сақлашни таъминлаш;

умумий ўрта таълим олишларини таъминлаш;

болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ва уларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш;

болаларни миллий урф-одатлар асосида Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

болаларнинг меҳнат кўнижмаларини шакллантириш, уларга ўз касбларини ўzlари танлашлари учун шароит яратиш;

муқобил парваришлаш ҳолатидаги боланинг ўз оиласи билан алоқа боғлашига кўмаклашиш;

болани ўз оиласига реинтеграция қилиш (қайтариш).

2-боб. Хизматни ташкил қилиш тартиби

5. Хизмат SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) бошқарувининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда ташкил қилинади.

3-боб. Хизмат томонидан тарбиявий жараённи ташкил қилиш

6. Хизмат тарбиявий жараённи оилада ёки оиласында ўхшаш мұхитда, шунингдек, мұқобил парваришиң қилишнинг бошқа шаклларида ташкил қиласы. Хизмат оиласында ўхшаш мұхитда тарбиявий жараённи таъминлаш учун тарбиячи бошчилегида (SOS она/ота-она) оила деб аталадиган гурухни ташкил қиласы. Қоюда тариқасыда ҳар бир оилада турли ёш ва жинсдаги 4 нафардан 7 нафаргача бола тарбияланади. Айрим ҳолларда оилада 8 нафар бола тарбияланисы мүмкін. Тарбиячилар (SOS она/ота-она) оиласында да доимий равишида яшайдылар.

“SOS – Киндердорф Интернешнл” халқаро жамиятининг ва Уюшманинг тегишли ҳужжатларында назарда тутилған хусусияттарни ҳисобга олған ҳолда оиласында болалар сони тарбиячининг (SOS онанинг/ота-онанинг) пенсияга чиқиши режасини бажариш даврида уч йилгача бўлган муддатда белгиланганидан (4 нафар боладан) кам бўлиши мүмкін.

7. Хизматдаги ҳар бир оила филиал ҳудудидаги алоҳида уйга жойлаштирилади ёки маҳалла ҳудудидаги якка тартибдаги уйга (квартирага) жойлаштирилади.

8. Хизмат камидан 6 та оиласын ташкил қиласы.

9. Ўз оиласидан ажраб қолған ва қисқа муддатли мұқобил парваришилашга эҳтиёжи бор бўлган болалар 8 ойгача муддатга қисқа муддатли мұқобил парваришилашга қабул қилинади.

Қисқа муддатли мұқобил парваришилаш филиал ҳудудидаги алоҳида уйда ёки маҳалла ҳудудидаги якка тартибдаги уйда (квартирада) ташкил қилиниши мүмкін. Қисқа муддатли мұқобил парваришилаш хизмати оиласында тенгланаётган.

10. Бола қисқа муддатли мұқобил парваришида бўлган вақтида ушбу хизмат томонидан болани ўз оиласига реинтеграция қилиш ёки боланинг манфаатларига мос келадиган мұқобил ечимни топиш ишлари олиб борилади (SOS оила, қондош оила, патронат оила ва мұқобил парваришиң қилишнинг бошқа шакллари).

11. Қисқа муддатли мұқобил парваришилашнинг битта таркибий бўлинмасидаги болалар сони 8 тадан ошмайди.

12. Қисқа муддатли мұқобил парваришилашда ишлайдиган тарбиячилар кечакундуз навбатчилик билан ишлайдилар.

13. Хизматда тарбияланисында қабул қилинган болаларнинг ёши, қоюда тариқасыда, 3 ёшдан бошлаб ва умумий ўрта таълим муассасасини тугатгунгача бўлган ёш ҳисобланади. Уч ёшдан кичик бўлган болалар катта акалари ва опаларидан ажралмаслик учун хизматта қабул қилинади. Уюшма билан келишган ҳолда болалар, агар қандайdir расмий тасдиқланган сабабларга кўра талабалар ёткxонасида турар жой билан таъминланмаган бўлса ёки биологик қариндошлар уларга яшаш жойини беришдан бош тортган ҳолларда ўрта маҳсус таълим муассасасини тугатгунга қадар хизматда тарбияланисы мүмкін.

14. Болани парваришиң қилиш боланинг ривожланишидаги барча эҳтиёжларини ҳисобга олған ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, боланинг ўз оиласидаги оиласында муносабатлари, унинг туғилиб ўсган оиласи тарихи ва ўтмишда унга нисбатан номуносиб муомалада бўлганлик тажрибаси ҳам эътиборга олинади.

15. Хизмат ходимлари болаларнинг ака-укалари ва опа-сингилларини, бошқа қариндошларини қидириб топишга, уларнинг муносабатларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишлари шарт, болаларнинг манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Низоли ҳолларда болалар ва уларнинг ота-оналари ва/ёки қариндошлари ўртасидаги муносабатлар тартиби васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланади.

16. Филиал маъмурияти болаларнинг ота-оналари ва/ёки қариндошлари билан учрашиб туришларига кўмаклашиши ва уларнинг ота-оналиқ ҳуқуқлари тикланган тақдирда улар билан бирлашишларига ҳамда болаларнинг манфаатларига зид бўлмаган бошқа ҳолларда қаршилик кўрсатмаслиги керак.

17. Филиал маъмурияти болаларнинг ота-оналари ва/ёки қариндошлари билан учрашиб туришларига қаршилик кўрсатишлари (боланинг манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно) мумкин эмас.

4-боб. Болаларни хизматга қабул қилиш тартиби

18. Болаларни хизматга қабул қилиш қонун ҳужжатларида, ушбу Низомда белгиланган тартибда ва Уюшманинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Болаларни хизматга қабул қилиш тарбияланувчи яшайдиган жой бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарори ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасининг йўлланмаси асосида амалга оширилади.

Хизматга 10 ёшдан катта болалар уларнинг розилиги билан қабул қилинади.

19. Хизматга юбориладиган ҳар бир бола учун васийлик ва ҳомийлик органи томонидан, бошқа тарбия муассасасидан ўтказишида эса - тарбия муассасаси маъмурияти томонидан қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

туман (шаҳар) ҳокимининг болани хизматга жойлаштириш ҳақидаги қарори ва йўлланмаси;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

соғлиғи тўғрисидаги тиббий маълумотнома ва амбулатория картаси;

маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

ота-онаси тўғрисидаги ҳужжатлар (ўлим тўғрисидаги гувоҳноманинг, суднинг ҳукми ёки қарорининг нусхаси, ота-онасининг касаллиги тўғрисидаги, ота-онасининг қидирилаётганлиги тўғрисидаги маълумотнома, ота-онасининг йўқлигини ёки улар ўз фарзандларини тарбиялай олмаслигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар);

ака-ука ва опа-сингилларнинг мавжудлиги ва уларнинг турган жойи тўғрисидаги маълумотнома;

болага тегишли мол-мulkнинг рўйхати ва мол-мulkнинг сақланиши учун жавобгар шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

илгари эгаллаб турилган турар жойни вояга етмаганларга бириктириш тўғрисидаги ҳужжатлар;

суднинг алимент ундириш тўғрисидаги қарори нусхаси, шунингдек, нафака, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса);

боланинг номига очилган банк ҳисоб рақами мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжат (агар мавжуд бўлса).

20. Тарбиялаш учун хизматга берилиши мумкин бўлган болалар сони филиал маъмурияти томонидан Уюшманинг ички ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

21. Агар хизматга тарбиялаш учун берилган болаларда бошқа жойда турган мол-мulk мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу мол-мulkни муҳофаза қилиш мол-мulk турган жойдаги ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

22. Хизматдан чиқаришда тарбияланувчиларга қўйидаги ҳужжатлар берилади:

а) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 16 ёшга тўлганларга эса паспорт ҳам;

б) Хизматда бўлганлик ҳақида маълумотнома;

в) соғлиғи ҳақида маълумотнома (тиббий ҳужжатлар);

- г) маълумоти тўғрисида ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);
- д) ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар.

Боланинг мол-мулкка, пул маблағларига, тураг жойга (ўзи ёки ота-онасига қарашли бўлган) эгалик қилиш хукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, пенсия ва омонат дафтарчалари, алиментлар ундириш тўғрисидаги ижро варақаси ва шахсий ҳужжатлар йиғма жилдидаги бошқа ҳужжатлар ҳам берилади.

23. Тарбияланувчиларнинг хизматдан чиқиши тўғрисида филиал директорининг буйруғи қабул қилинади.

24. Тарбияланувчиларнинг ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан бундан кейин тарбиялаш учун қайтарилиши ушбу Низомнинг 23-бандига мувофиқ амалга оширилади. Боланинг ёшидан, йил вақтидан ва қайтиш ҳолатларидан қатъи назар, бола яшайдиган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг холосасига мувофиқ чиқарилган ҳокимнинг қарори тарбияланувчининг қайтиши учун асос ҳисобланади.

5-боб. Хизматдаги тарбияланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

25. Хизматда тарбияланаётган болалар Ўзбекистон Республикасининг Конун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

26. Хизматда тарбияланаётган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ филиал маъмурияти ва ваколатли давлат органлари томонидан ҳимоя қилинади.

27. Хизматда тарбияланаётган болалар мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек, бошқа қонуний асосларга кўра ота-оналар, қариндошлар ёки бошқа шахслардан уларга ўтган мол-мулкка, тураг жойга амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ эгалик қилиш хукуқини сақлаб қоладилар.

28. Хизматда тарбияланаётган болалар унга берилиши керак бўлган алиментлар, ижтимоий нафақалар, пенсияга бўлган ҳукуқни (боқувчисини йўқотганда, ногирон бўлиб қолганда) ҳамда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга ҳукуқни ўзида сақлаб қолади. Ушбу тўловлар боланинг номига очилган банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак.

29. Хизматда тарбияланаётган болалар ўзларига тегишли бўлган уй-жой ижарага берилишидан олинган даромадларга, ижодий, касбий, меҳнат фаолиятидан ва бошқа фаолиятдан олинган даромадларга бўлган ҳукуқни сақлаб қоладилар. Битимлардан олинган даромадлар филиал маъмурияти томонидан фақат болаларнинг манфаатларини кўзлаб ҳамда ваколатли органларнинг розилиги билан сарфланиши мумкин.

30. Хизматда тарбияланувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш филиал жойлашган худуддаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан таъминланади.

31. Хизматда тарбияланаётган болалар мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида умумий асосларда таълим-тарбия оладилар.

Бунда болалар давлат мактабгача таълим ташкилотларида бўлган вақт учун тўлов ундирилмайди.

32. Хизмат томонидан болалар учун қўшимча таълим (тўгараклар, студиялар, спорт секциялари ва ҳоказолар) ташкил этиши мумкин.

33. Болаларнинг ўрта маҳсус ва касб-хунар таълим муассасаларига бориши билан боғлиқ йўл ҳақи ва овқатланиш харажатлари болаларга тўланади.

34. Бити्रувчилар филиал маъмурияти билан келишган ҳолда улар ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасини тамомлагунларига қадар, ушбу муассасада ётоқхона мавжуд бўлмаган ёки ётоқхонада бўш жой бўлмаган тақдирда оиласда яшашлари мумкин.

Бунда уларнинг таъминоти учун харажатлар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

35. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасасида таълим олаётган хизматнинг битириувчилари ўзлари таълим олаётган таълим муассасалари маъмурияти билан келишган ҳолда таътил даврида, дам олиш ва байрам кунларида яшаганлик учун ҳақ тўламасдан хизматда туришлари мумкин. Хизматда 2 кундан ортиқ вақт яшаётган ўқувчилар ва талабалар хизмат учун белгиланган нормалар бўйича ҳақ тўлаш шарти билан овқат билан таъминланадилар.

6-боб. Хизмат таъминоти ва уни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш

36. Хизмат таъминоти ва уни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш давлат бюджети маблағлари, муассислар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ишчиларга тўланадиган иш ҳаки, ҳар бир оиласнинг бюджети, коммунал хизматлар, бино ва иншоотларни сақлаш, уларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, хизматнинг бошқа харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаштирилади.

Хизмат юқорида санаб ўтилган харажатларга қўшимча сифатида муассислар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига ҳам харажатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

37. Оиласлар харажатларини қоплаш мақсадида ҳар бир тарбиячига болалар таъминоти учун белгиланган нормативларга мувофиқ ҳар ойлик пул маблағлари тўланади.

Ҳар бир алоҳида оила бюджетига қўйидагилар киради:

болалар ва тарбиячиларга озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар;

книйм-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-ёстиқлар, чойшаблар ва сочиқлар, кундалик хўжалик ва шахсий гигиена буюмлари учун харажатлар;

ўйинлар, ўйинчоқлар, китоблар, ўқув қуроллари, бошқа майда хўжалик буюмлари сотиб олиш харажатлари, шу жумладан, мактаб ёшидаги болалар учун кундалик майда харажатлар;

болаларнинг транспорт харажатлари учун тўловлар;

соғломлаштириш, таълим бериш ва маданий-оммавий тадбирлар учун харажатлар.

38. Тарбиячи томонидан оила бюджети маблағларидан тежаб қолинган пуллар оиласвий байрамлар ва оиласнинг бошқа мақсадлари учун ишлатилиши мумкин.

39. Ҳар бир оиласи молиялаштиришга харажатлар ажратиш ушбу Низомнинг 1-, 2 ва 3-иловасида белгиланган меъёрларга мувофиқ амалга оширилади.

40. Мактаб ёшидаги болалар учун кундалик майда харажатларга ҳар бир бола учун ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бешдан бири миқдорида маблағ ажратилади.

41. Хизматнинг молиявий бошқарув тизими ҳар бир оилада молиявий жавобгарлик ва ҳисобот беришга йўналтирилган.

Маъмурий-бошқарув механизмлари филиал раҳбарияти томонидан ҳар бир оиланинг табиий жараёнларига аралашишни камайтиришни назарда тутади.

7-боб. Хизмат штати ва бошқаруви

42. Хизмат ишини бошқариш филиал директорининг бевосита раҳбарлигига хизматнинг координатори томонидан амалга оширилади.

43. Хизмат ходимларининг сони 4-иловадаги Намунавий штатларга мувофиқ белгиланади.

44. SOS она/ота-оналар (кейинги ўринларда – тарбиячи) Уюшма томонидан белгиланадиган тартибда танлов асосида ишга қабул қилинади ва оила бошлиғи ҳисобланади.

45. Тарбиячи жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатларда, шунингдек, судларда тарбияланувчиларнинг хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиласиган қонуний вакил ҳисобланади.

46. Тарбиячи қуидагиларга мажбур:

болаларни тарбиялаш, уларнинг соғлиғи, жисмоний, руҳий, ахлоқий-маънавий камол топиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

болаларнинг қадр-қўйманини таҳқирлаш, зулм қилиш, шафқатсизлик ва менсимаслик каби муносабатлардан холи бўлган мақбул педагогик усуллар билан болаларни тарбиялаш;

оилада ахлоқий-маънавий ва уй муҳитини яратиш;

ўз мажбуриятларини тарбияланувчиларнинг хуқуқлари ва манфаатларига зарар етказган ҳолда бажармаслик;

бода учун ўзига берилган хужжатларнинг сақланишини таъминлаш;

ҳар олти ойда тиббий диспансер кўригидан ўтиш;

қонун хужжатларига ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

47. Тарбиячи ота-оналар (уларнинг ўрнини босадиган шахслар) учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради, алимент тўлаш мажбурияти бундан мустасно.

48. Тарбиячи хизмат томонидан ташкил қилинган турар жойлардаги оилаларда тарбиячилик иш фаолиятининг бутун муддати мобайнида яшайди.

49. Хизматнинг барча раҳбар, педагог ва бошқа ходимларига етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан ишлашнинг маҳсус шароитлари учун иш ҳақи ставкасига 50 фоиз микдорида қўшимча ҳақ белгиланади.

Тарбиячилар ва тарбиячининг ёрдамчиларига болалар билан кеча-кундуз, шу жумладан тунги вақтда ишлаганлиги учун иш ҳақи ставкасига 100 фоиз микдорида қўшимча ҳақ белгиланади. Тунги вақтда ишламаган кунлари учун уларга ушбу қўшимча ҳақ 50 фоиз микдорида белгиланади.

50. Тарбияланувчиларни мустакил ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш мақсадида филиал маъмурияти ваколатли орган билан келишган ҳолда болаларни меҳнатга, тадбиркорликка ёки қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятга жалб қилиш хуқуқига эга.

51. Хизмат тарбияланувчиларининг таъминоти учун берилган маблағлар қонун хужжатларида назарда тутилган барча нормалар ва имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда

тұлық ҳажмда түланиши лозим. Айрим сабабларга күра ўтган молия йилида түланмаган пул маблағлари кейинги молия йилида түланади.

52. Филиалнинг барча молиявий-хұжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобини бош бухгалтер амалга оширади.

53. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

54. Барча тарбиячилар моддий жавобгар шахс ҳисобланади ва белгиланган тартибда ҳисбот топширади.

55. Хизмат тарбияланувчиларининг овқатланишини ташкил этиш тарбиячи томонидан амалга оширилади.

56. Озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида бир марта (тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида икки марта) сотиб олиш тарбиячи томонидан амалга оширилади.

Тарбиячи болаларнинг ёшига мувофиқ равища балансланган овқатланишини таъминлайди.

Тарбиячи овқат пишириш учун зарур бўлган маҳсулотлардан сарфланган маҳсулотларни кейинчалик таомнома бўйича ҳисобдан чиқармасдан фойдаланади.

Оиладаги болаларнинг сифатли ва тўлақонли овқатланишининг ташкил этилганлиги болаларни мунтазам равища тиббий кўриқдан ўtkазиш, умумий ривожланиши, ўсиши, вазнини мониторинг қилиш, шунингдек, врач ёки филиал маъмуриятининг танлаб назорат қилиши натижаларига кўра аниқланади.

57. Маҳсулотлар чакана савдо ташкилотларидан харид қилинганда тўлов чеклари сақлаб қўйилади, озиқ-овқат бозоридан нақд пулга харид қилинган маҳсулотлар учун эса далолатнома тузилади.

58. Озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа товарларни ҳисобдан чиқариш тарбиячилар томонидан тақдим этилган чеклар ва далолатномалар асосида, филиалнинг доимий ишлайдиган комиссияси томонидан ойда бир марта амалга оширилади.

59. Доимий ишлайдиган комиссия таркиби филиал директори томонидан белгиланади ва унинг буйруғига асосан тасдиқланади.

60. Узоқ масофада жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида ўқиётган болаларга тарбиячи томонидан тушлик пул қийматидан ошмайдиган микдорда тушликка нақд пул берилади.

61. Тушлик учун нақд пуллар нормативлари доимий ишлайдиган комиссия томонидан болаларнинг ёшига қараб тасдиқланади.

62. Хизмат врачи тарбиячиларга озиқ-овқат маҳсулотларини, кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-ёстиқлар, чойшаблар ва сочиқлар, хўжалик ва шахсий гигиена буюмларини танлашда маслаҳат ёрдами беради ва овқатланишини ташкил этиш ва унинг сифатини танлаб назорат қилади.

Врач бухгалтерия ва тарбиячиларнинг дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-ёстиқлар, чойшаблар, сочиқлар, хўжалик ва шахсий гигиена буюмлари харид қилиш учун ишлатган маблағлари билан боғлиқ бўлган барча ҳисоб-китоб ёзишмаларини тўсқинликсиз олиш ҳукуқига эга.

63. Хизматнинг (филиалнинг) молияй-хўжалик фаолиятини назорат қилиш Уюшма томонидан ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Болаларни муқобил парвариш қилиш
хизматларининг фаолиятини ташкил
қилиш тўғрисидаги низомга
1-илова

**Хизматда тарбияланаётган болаларни озиқ-овқат билан таъминлаш
меъёрлари (бир киши ҳисобига кунига граммда (брутто)**

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Бир нафар болага	
		Мактабгача ёшдаги	Мактаб ёшидаги
1.	1-нав буғдой нон	240	600
2.	1-нав буғдой уни	35	40
3.	Картошка уни (крахмал)	3	3
4.	Ёрма, макарон маҳсулотлари	70	90
5.	Қанд-шакар	60	90
6.	Қандолат маҳсулотлари	15	25
7.	Сарийёғ	30	35
8.	Ўсимлик ёғи	15	20
9.	Сут-қатиқ маҳсулотлари	500	500
10.	Сметана	20	20
11.	Творог	40	50
12.	Пишлоқ	10	15
13.	Гўшт, парранда гўшти	125	150
14.	Колбаса маҳсулотлари	15	25
15.	Балиқ	40	90
16.	Тухум (дона)	1	1
17.	Картошка	250	400
18.	Сабзавотлар, шу жумладан, томат пастаси	350	455
19.	Ҳўл мевалар, резаворлар, шарбатлар	200	250
20.	Қуруқ мевалар, шу жумладан, наъматак 5 гр.	15	15
21.	Чой	0,5	0,5
22.	Какао	1	1
23.	Йодланган туз	10	12
24.	Хамиртуруш	1	1

Изоҳ:

- Мактабгача ёшдаги болалар учун овқатланиш нормаси боланинг мактабгача таълим муассасасида бўлишини ҳисобга олган холда (болаларни бепул озиқ-овқат билан таъминлайдиган лагерларда, санаторийларда, стационар даволаш муассасаларида) камайтирилади.
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда маҳсулотларни алмаштириш жадвалига мувофиқ айrim турдаги озиқ-овқатларни алмаштиришга рухсат этилади. Овқатланиш ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблаглар доирасида ташкил этилади.
- Хизматда болаларнинг қариндошлариникида бўлган вақтларида овқатланиш нормаларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларини бериш ёки овқатланиш харажатлари учун нақд пул бериш хукуки берилади.
- Хизматда болаларнинг спорт ва бошқа тадбирларда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарларида бўлган вақтларида овқатланиш нормаларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ёки овқатланиш харажатлари учун нақд пул бериш хукуки берилади.

Болаларни муқобил парвариш қилиш
хизматларининг фаолиятини ташкил
қилиш түгрисидаги низомга
2-илова

**Хизматда тарбияланаётган болаларни кийим-бош, пойабзал
ва юмшоқ буюмлар билан таъминлаш меъёрлари**

Т/р	Кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ буюм номи	Ўлчов бирлиги	Бир нафар болага					
			Мактаб ёшидаги			Мактабгача ёшдаги		
			сони		Фойдал аниш муддати (йил)	сони	Фойдала ниш муддати (йил)	
Кийим-бошлар								
1.	Қишки пальто / куртка	та	1	1	2	1	2	
2.	Мавсумий пальто, куртка	та	1	1	2	1	2	
3.	Мактаб формаси	тўплам	1	1	1	-	-	
4.	Ўғил болалар учун костюмлар (галстук билан)	тўплам	2	-	2	2	2	
5.	Жун костюм (байрамлар учун)	тўплам	1	-	2	1	2	
6.	Ўғил болалар учун ип газламадан тикилган мактаб кўйлаклари	та	3	-	1	-	-	
7.	Ўғил болалар учун ип газламадан тикилган устки кўйлаклар	та	3	-	1	3	1	
8.	Қизлар учун кўйлаклар (юбкалар, блузкалар)	та	-	3	1	3	1	
9.	Қизлар учун халатлар/уй кўйлаклари	та	-	2	1	2	1	
10.	Қишки кўйлаклар (байрамлар учун)	та	-	1	1	1	1	
11.	Жун свитерлар (жемперлар)	та	2	2	2	2	2	
12.	Ёзги кўйлаклар (байрамлар учун)	та	-	3	1	3	1	
13.	Ёзги бош кийим	та	1	1	1	1	1	
14.	Қишки бош кийим	та	2	2	1	2	1	
15.	Қизлар учун трико ва шимлар	та	-	4	1	4	1	
16.	Дастрўмол	та	6	6	1	6	1	
17.	Ўғил болалар учун шим камарлари	та	1	-	1	-	-	
18.	Шарф	та	1	1	2	1	2	
19.	Кўлқоплар (бошмалдоқли кўлқоп)	жуфт	2	2	1	2	1	
20.	Ич кўйлак	тўплам	4	4	2	5	2	
21.	Спорт формаси, кроссовкалар	тўплам	1	1	1	1	1	
22.	Бюстгальтер	та	-	3	1	-	-	
23.	Спорт трусиғи	та	2	2	1	1	1	

24.	Майкалар	та	4	4	1	4	1
25.	Пайпокълар, ип газлама гольфилар	жуфт	5	5	1	6	1
26.	Пайпокълар, жун гольфилар	жуфт	5	5	1	6	1
27.	Ботинкалар, туфлилар (шишпак)	жуфт	3	3	1	3	1
28.	Шишпаклар	жуфт	2	2	1	2	1
29.	Этиклар, қишки ботинкалар	жуфт	1	1	1	1	1
30.	Калишлар	жуфт	1	1	1	1	1
31.	Спорт костюми (ярим жун)	та	1	1	1	1	1
32.	Тунги пижамалар	та	2	1	1	2	1
33.	Колготкалар	та	-	5	1	6	1
34.	Чўмилиш кўйлаги, плавкилар	та	1	1	1	1	1
35.	Резина шапка	та	1	1	2	1	1
36.	Иш кийими	тўплам	1	1	2	1	1
37.	Портфеллар, сумкалар	та	1	1	1	-	-
38.	Рюкзак/шахсий буюмларни сақлаш учун сумка	та	1	1	3	1	5

Юмшоқ буюмлар

39.	Чойшаблар	та	3	1	5	1
40.	Кўрпа чойшаблари	та	2	1	2	1
41.	Ёстиқ жилди	та	3	1	4	1
42.	Сочик	та	2	1	2	1
43.	Пахмоқ сочиқ	та	2	1	2	1
44.	Жун ёки момиқли адёл	та	1	6	1	6
45.	Пахмоқ адёл	та	1	3	2	3
46.	Тўшак	та	1	4	2	3
47.	Пар ёстиқлар	та	1	6	2	4
48.	Ўринга ёпиладиган чойшаб	та	1	3	1	3
49.	Каравот олдига тўшаладиган гиламча	та	1	4	1	4

Болаларни муқобил парвариши қилиш хизматларининг
фаолиятини ташкил қилиш түғрисидаги низомга
З-илова

**Хизматда тарбияланаётган болаларни шахсий гигиена буюмлари билан таъминлаш
нормалари**

Т/р	Шахсий гигиена буюмларининг номи	Ўлчов бирлиги	Бир нафар болага					
			Мактабгача ёшдаги		Мактаб ёшидаги			
			сони	Фойдаланиш муддати (йил)	сони	Фойдаланиш муддати (йил)	сони	Фойдаланиш муддати (йил)
1.	Тиш пастаси	та	12	1	12	1	12	1
2.	Тиш чўткаси	та	3	1	3	1	3	1
3.	Кир совун	та	12	1	12	1	12	1
4.	Атир совун	та	24	1	24	1	24	1
5.	Кир ювиш порошоклари	пакет (400г.)	12	1	12	1	12	1
6.	Соқол олиш буюмлари	та			12	1	5	1
7.	Тароқ	та	2	1	2	1	2	1
8.	Ҳожатхона қофози	рулон	24	1	24	1	24	1
9.	Шампунь	та (200 г.)	12	1	12	1	12	1
10.	Дезодорант (аэрозоль)	та	6	1	6	1	6	1
11.	Гигиена кистирмалари	ўрам (10 тадан)					12	1
12.	Момиқ пахта	ўрам (200 г.)					4	1
13.	Пойабзal мойи	тюбик	6	1	6	1	6	1
14.	Соқол олингандан кейин ишлатиладиган лосьон	флакон (100-150г.)			6	1		
15.	Бадани ювиш учун губка	та	2	1	2	1	2	1
16.	Тоғора	та	1	3	1	3	1	3

Болаларни муқобил парвариш қилиш
хизматларининг фаолиятини ташкил
қилиш түгрисидаги низомга
4-илова

**Болаларни муқобил парвариш қилиш хизматларининг
намунавий штатлари**

Т/р	Лавозимлар номи	Бир ўлчов бирликка	Штат бирликлари сони	ЯТС бўйича разряди
1.	Филиал директори	хизмат	1	“Мехрибонлик” уйи директорининг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади
2.	Директор ёрдамчиси	хизмат	1	5
3.	Координатор	хизмат	1	8
4.	Тарбиячи (она)	оила	1	Халқ таълими муассасаларидаги тарбиячининг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади
5.	Тарбиячининг ёрдамчиси	оила	0,5	2
6.	Психолог	хизмат	1	Халқ таълими муассасаларидаги психологнинг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади
7.	Болалар ва ўсмирлар билан тарбиявий иш олиб борувчи педагог-ташкилотчи	хизмат	1	Халқ таълими муассасаларидаги педагог-ташкилотчининг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади
8.	Ижтимоий ходим	хизмат	3	6
9.	Тўгараклар раҳбари	хизмат	1	Халқ таълими муассасаларидаги тўгарак раҳбарининг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади
10.	Бош бухгалтер	хизмат	1	10
11.	Бухгалтер	хизмат	1	6
12.	Врач	хизмат	1*	Амбулатор мусассасалари врачларига белгиланган тармоқ тариф разрядлари қўлланилади
13.	Логопед	хизмат	0,5	Мактабгача таълим болалар мусассасалари логопедининг базавий

				тариф ставкасига тенглаштирилади
14.	Енгил автомобиль ҳайдовчиси	хизмат	1	1-3**
15.	Қоровул	хизмат	4	1
16.	Боғбон	хизмат	1	2
17.	Хўжалик мудири	хизмат	1	4
18.	Хизмат хоналари фарроши	хизмат	1	1
	Қисқа муддатли муқобил парвариш қилиш***			
19.	Етакчи ижтимоий ходим	таркибий бўлинма	1	7
21.	Тарбиячи	таркибий бўлинма	3	Халқ таълими муассасаларидаги педагог-ташкilotчининг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади
22.	Ошпаз	таркибий бўлинма	1	4

* тиббиёт ходимларининг тармоқ тариф жадвали бўйича

**двигателнинг ҳажмига қараб қуйидаги разрядлар белгиланади:

Двигателнинг иш ҳажми (литрда)	Разряд
1,8 гача	1
1,8 дан 3,5 гача	2
3,5 дан юқори	3

*** Уюшма директорининг буйруғи асосида ташкил қилинади.

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Уюшма хизматнинг умумий штатлар сони доирасида ушбу штат нормативларига ўзгартиш киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “21” ноябрдаги 738-сон қарорига
2-илова

Ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматларининг фаолиятини ташкил қилиш түғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тоифасига киравчи шахслар (кейинги ўринларда – ёшлар) учун, SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси филиалининг (кейинги ўринларда – филиал) болаларни муқобил парвариш қилиш хизматлари, Мехрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчаси битирувчилари, шунингдек, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оила фарзандлари учун SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмасининг ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматларининг (кейинги ўринларда – хизмат) мақомини ва уларни ташкил қилиш тартибини белгилайди.

2. Хизмат SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) бошқарувининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда ташкил қилинади ва филиалнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Хизматда ёшларнинг ижтимоий-коммуникатив, ўзига хос кўнкимларини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш, пухта билим олишлари, ақлан етук бўлиб етишишлари, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қулай шароитлар яратилади. Хизмат таълим олишда, касб-хунарга эга бўлишда, барқарор даромадли иш топишда, ўзининг мустақил ҳаётини қуришда ижтимоий ва ҳаётий кўнкимларга эга бўлишда сифатли мураббийлик қилиб (кўмаклашишга) тўғри йўл-йўриқ кўрсатишга қаратилган.

4. Ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматнинг педагог ва бошқа ходимлари томонидан амалга оширилади. Педагог ва бошқа ходимларнинг функционал вазифлари ҳамда ёшларга хизмат кўрсатиш стандартлари уюшма томонидан тасдиқланади.

2-боб. Хизматнинг мақсад ва вазифалари

5. Хизматнинг мақсади ёшларга самарали ва сифатли ижтимоий ва психологик-педагогик ёрдам бериш ва уларни қўллаб-куватлаш, уларда мустақиллик, эркинликни ва жамиятга яхши мослашиб кўнкимларини шакллантиришдан иборат.

6. Хизматнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

ёшларга психологик-педагогик ёрдам бериш, ўз келажаги учун масъулиятни ҳис қилиш, низоли вазиятларни бартараф этиш ва руҳий зарбаларга қаршилик кўрсатиш кўнкимларини ривожлантириш, шахсий ва оиласибий бюджетни режалаштириш малакаларини ривожлантириш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини ва жамиятга мослашувини таъминлаш;

ёшларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, шахсий, оиласибий ва турар жой гигиенасига риоя қилиш кўнкимларига ўргатиш;

ёшларда маънавий ва маданий қадриятларни, яхши хулқ-атворни, ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғусини, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялаш;

ёшларнинг меҳнат кўнималарини шакллантириш, уларга ўз касбларини ўзлари танлашлари учун шароитлар яратиш, уларни ишга жойлашишларига кўмаклашиш;

кўшимча таълим олишга имкониятлар яратиш;

зарур ҳужжатларни тўплаш ва ваколатли органларга топшириш йўли билан ёшларни хусусий уй-жой олиш, туар жой олишга бўлган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

ёшларни мустақил ҳаёт кечириш босқичига қадам босишларида барча чоратадбирлар мажмуини амалга ошириш орқали қўллаб-куватлаш;

ёшларни ўз оиласи билан муносабатларини тиклашларига кўмаклашиш, шунингдек, ёшларни ўз оиласига бирлаштириш мақсадида манфаатдор тарафлар ва ҳамкорлар билан биргаликда ишларни олиб бориш;

ёшларни ўз оиласини қуришларида кўмаклашиш, оилани сақлашга ёрдам берадиган оилавий қадриятларни тарбиялаш;

ёшлар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-куватлаш мақсадида маҳаллий давлат органлари ва бошқа масъул ташкилотлар билан узвий ҳамкорлик қилиш;

ёшларни самарали ижтимоий интеграция ва реинтеграция қилиш учун шароитлар яратиш.

3-боб. Хизмат томонидан тарбиявий жараённи ташкил қилиш

7. Хизматдаги тарбиявий жараён педагог томонидан бажарилади. Ҳар бир педагог 3 дан 8 нафаргача бўлган ёшларга ҳамроҳлик қиласи.

8. Филиалнинг болаларни муқобил парвариш қилиш хизмати битирувчиларини умумий ўрта таълим муассасини тугатиши хизматга ўтказиш учун асос бўлади.

9. Мехрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчиларини хизматга қабул қилиш куйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

умумий ўрта таълим муассасасини тугатганлик;

ёшларни яшайдиган жой бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарори ва/ёки ваколатли давлат органининг мурожаати/йўлланмаси.

10. Оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилалардаги ёшлар хизматга ваколатли давлат органининг мурожаати асосида қабул қилиниши мумкин.

11. Ёшларнинг хизматга қабул қилиниши учун эркин хоҳиши билдириши қабулнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ёшларни хизматга қабул қилишда алоҳида ёндашув қўлланилади ва ёшларнинг вазияти эътиборга олинади.

12. Ёшларни хизматга қабул қилиш филиал директорининг буйруғи билан тасдиқланадиган Болаларни қабул қилиш бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилади.

13. Тарбиялаш учун хизматга олиниши мумкин бўлган ёшлар сони филиал маъмурияти томонидан Уюшманинг ички ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

14. Хизмат ўз ишида куйидаги тамойилларга амал қиласи:

барча ҳаракатлар ва қарорлар хизматда тарбияланадиган ёшларнинг энг яхши манфаатлари йўлида қабул қилинади ҳамда уларнинг жинси, этник келиб чиқиши, ёши, соғлиғи, диний ва ижтимоий мақомидан қатъи назар, қўллаб-куватланади;

хизматда тарбияланаётган ёшлар билан ишлашда хизмат ходимлари махфийлик, ёшларнинг хукуқларини хурмат қилиш тамойилларига амал қиласидилар.

15. Ёшлар ўз-ўзини таъминлашнинг қуйидаги асосий мезонларига эришганларида хизматдан чиқариб юбориладилар:

ўз фаолиятидан ёки оила аъзосидан олинадиган барқарор ва етарли даромаднинг мавжудлиги;

ижтимоий алоқалар ва кўнималарга эга бўлиш – жамиятда яшаш ва самарали ўзаро харакат қилиш, бошқа одамлар билан яхши муносабатларни ўрнатиш, низоларни ҳал қилиш, ўз хукуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажариш, бошқа фуқароларнинг хукуқ ва манфаатларини хурмат қилиш қобилиятини кўрсатиб берувчи ижтимоий мослашув даражаси;

ишга жойлашиш ёки тадбиркорлик, компьютер саводхонлиги кўнималарига эга бўлиши, умумий ва касбий таълим, қўшимча таълим ва касбий тайёргарликнинг ёшларнинг шахсий манфаатлари ва қобилияtlарига мувофиқ бўлиши, чет тилларини, ўз пул маблағларини бошқаришни билиши;

уй-жойнинг мавжудлиги – уй-жой билан таъминланган: хусусий уй-жойи бор ёки узоқ муддатли ижара шартлари асосида уй-жойни ижарага олган ёки қариндошларининг уйида яшапши.

Ёшлар ўз-ўзини таъминлашнинг қуйидаги қўшимча мезонларига эришиши ҳам мақсадга мувофиқдир:

ҳаётий кўнималарга эга бўлиш – кундалик ҳаётда зарур бўлган амалий кўнималарга эга бўлиш, ўз соғлиғига ғамхўрлик қилиш, уй ишларини олиб бориш, иш ва ўқиш билан бир қаторда ўз қизиқишиларига вақт топиш;

хиссий барқарорлик – ҳаётга нисбатан ижобий қараш, ўз ўтмишини қабул қила олиши ва кимгadir керакли бўлиш туйғусини шакллантириши, шунингдек, ўзи ва бошқаларга ғамхўрлик қила олиши;

21 ёшга, айрим ҳолларда 23 ёшга тўлган бўлиши.

16. Агар ёшлар бирон-бир расмий равишда тасдиқланган сабабларга кўра талабалар ётоқхонасида тураг жой билан таъминланмаган бўлса ёки биологик қариндошлар уларга яшаш жойини беришдан бош тортган ҳолларда ёки тиббий, психо-эмоционал эҳтиёжлар ва бошқалар мавжуд бўлса, улар хизмат биносида яшашлари мумкин.

17. Ёшларнинг келажақдаги ҳаёт йўлини кузатиб бориш ва уларга мушкул вазиятда психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш мақсадида хизмат биноларидан ташқарида яшовчи ёшлар хизмат томонидан кузатиб борилади.

4-боб. Хизмат таъминоти ва уни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш

18. Хизмат таъминоти ва уни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш давлат бюджети маблағлари, муассислар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ишчиларга тўланадиган иш ҳақи, коммунал хизматлар, бино ва иншоотларни сақлаш, уларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, хизматнинг бошқа харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаштирилади.

Хизмат юқорида санаб ўтилган харажатларга қўшимча сифатида муассислар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари, шунингдек, қонун

хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига ҳам харажатларни амалга ошириши мүмкін.

Хизмат биноларида яшайдиган ва таълим муассасаларидан стипендия олмайдиган ёки уларнинг ҳаёт таъминоти учун бошқа нафақалар тўланмайдиган ёшлар учун озиқ-овқат, кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-ёстиклар, чойшаблар ва сочиқлар, кундалик хўжалик ва шахсий гигиена буюмлари, китоблар ва ўқув қуроллари учун харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

19. Хизмат биноларида яшайдиган ва таълим муассасаларидан стипендия олмайдиган ёки уларнинг ҳаёт таъминоти учун бошқа нафақалар тўланмайдиган ёшлар учун харажатлар миқдорини аниқлашда ушбу Низомга 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, юмшоқ буюмлар ва шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш нормалари кўлланилади.

20. Хизмат биноларида яшайдиган ва таълим муассасаларидан стипендия олмайдиган ёки уларнинг ҳаёт таъминоти учун бошқа нафақалар тўланмайдиган ёшларнинг харажатларини қоплаш мақсадида уларнинг таъминоти учун ҳар ойда хизмат координаторига нормативларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган пул маблағлари тўланади.

21. Озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида бир марта (тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида икки марта) сотиб олиш хизмат координатори томонидан амалга оширилади.

Хизмат координатори ёшларнинг ёшига мувофиқ равишда балансланган овқатланишини таъминлайди. Ёшлар сифатли ва тўлақонли овқатланишининг ташкил этилганлиги уларнинг умумий ривожланишини мунтазам равишда мониторинг қилиш натижаларига ва соғлиғи кўрсаткичларига кўра аникланади.

Овқат пишириш учун зарур бўлган маҳсулотлардан сарфланган маҳсулотларни кейинчалик таомнома бўйича ҳисобдан чиқармасдан фойдаланилади.

Маҳсулотлар чакана савдо ташкилотларидан харид қилингандан тўлов чеклари сақлаб қўйилади, озиқ-овқат бозоридан нақд пулга харид қилинган маҳсулотлар учун эса далолатнома тузилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа товарларни ҳисобдан чиқариш хизмат координатори томонидан тақдим этилган чеклар ва далолатномалар асосида ойда бир марта амалга оширилади.

5-боб. Хизмат штати ва бошқаруви

22. Хизмат ишини бошқариш филиал директорининг бевосита раҳбарлигига координатор томонидан амалга оширилади.

23. Хизмат ходимларининг сони 4-иловада келтирилган Намунавий штатларга мувофиқ белгиланади.

Ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматларининг
фаолиятини ташкил қилиш түгрисидаги низомга
1-илова

**Хизматда тарбияланаётган болаларни озиқ-овқат билан таъминлаш
мөйёrlари (бир киши ҳисобига қунига граммда (брутто)**

T/p	Озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Норма
1.	1-нав буғдой нон	600
2.	1-нав буғдой уни	45
3.	Картошка уни (крахмал)	3
4.	Ёрма, макарон маҳсулотлари	90
5.	Қанд-шакар	90
6.	Қандолат маҳсулотлари	25
7.	Сарийғ	35
8.	Ўсимлик ёғи	20
9.	Сут-қатиқ маҳсулотлари	500
10.	Сметана	20
11.	Творог	50
12.	Пишлоқ	15
13.	Гўшт, парранда гўшти	150
14.	Колбаса маҳсулотлари	25
15.	Балиқ	90
16.	Тухум (дона)	1
17.	Картошка	400
18.	Сабзавотлар, шу жумладан, томат пастаси	455
19.	Ҳўл мевалар, резаворлар, шарбатлар	250
20.	Қуруқ мевалар, шу жумладан, наъматак 5 гр.	15
21.	Чой	0,5
22.	Какао	1
23.	Йодланган туз	12
24.	Хамиртуруш	1

Изоҳ:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда маҳсулотларни алмаштириш жадвалига мувофиқ айрим турдаги озиқ-овқатларни алмаштиришга рухсат этилади. Овқатланиш ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар доирасида ташкил этилади.

2. Хизматда ёшларнинг спорт ва бошқа тадбирларда иштирок этиши учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарларида бўлган вақтларида овқатланиш нормаларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ёки овқатланиш харажатлари учун накд пул бериш ҳуқуқи берилади.

Ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматларининг
фаолиятини ташкил қилиш түгрисидаги низомга
2-илова

**Ёшларни кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ буюмлар билан таъминлаш
нормалари**

Т/р	Кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ буюм номи	Ўлчов бирлиги	Сони		Фойдала ниш муддати (йил)
			Ўғил болалар учун	Қизлар учун	
Кийим-бошлар					
1.	Қишки пальто / куртка	та	1	1	2
2.	Мавсумий пальто, куртка	та	1	1	2
3.	Мактаб формаси	тўплам	1	1	1
4.	Ўғил болалар учун костюмлар (галстук билан)	тўплам	2	-	2
5.	Жун костюм (байрамлар учун)	тўплам	1	-	2
6.	Ўғил болалар учун ип газламадан тикилган мактаб кўйлаклари	та	3	-	1
7.	Ўғил болалар учун ип газламадан тикилган устки кўйлаклар	та	3	-	1
8.	Қизлар учун кўйлаклар (юбкалар, блузкалар)	та	-	3	1
9.	Қизлар учун халатлар/уй кўйлаклари	та	-	2	1
10.	Қишки кўйлаклар (байрамлар учун)	та	-	1	1
11.	Жун свитерлар (жемперлар)	та	2	2	2
12.	Ёзги кўйлаклар (байрамлар учун)	та	-	3	1
13.	Ёзги бош кийим	та	1	1	1
14.	Қишки бош кийим	та	2	2	1
15.	Қизлар учун трико ва шимлар	та	-	4	1
16.	Дастрўмол	та	6	6	1
17.	Ўғил болалар учун шим камарлари	та	1	-	1
18.	Шарф	та	1	1	2
19.	Қўлқоплар (бошмалдоқли қўлқоп)	жуфт	2	2	1
20.	Ич кўйлак	тўплам	4	4	2
21.	Спорт формаси, кроссовкалар	тўплам	1	1	1
22.	Бюстгальтер	та	-	3	1
23.	Спорт трусиги	та	2	2	1
24.	Майкалар	та	4	4	1
25.	Пайпоқлар, ип газлама гольфилар	жуфт	5	5	1
26.	Пайпоқлар, жун гольфилар	жуфт	5	5	1
27.	Ботинкалар, туфлилар (шиппак)	жуфт	3	3	1
28.	Шиппаклар	жуфт	2	2	1
29.	Этиклар, қишки ботинкалар	жуфт	1	1	1
30.	Калишлар	жуфт	1	1	1
31.	Спорт костюми (ярим жун)	та	1	1	1
32.	Тунги пижамалар	та	2	1	1

33.	Колготкалар	та	-	5	1
34.	Чўмилиш қўйлаги, плавкилар	та	1	1	1
35.	Резина шапка	та	1	1	2
36.	Иш кийими	тўплам	1	1	2
37.	Портфеллар, сумкалар	та	1	1	1
38.	Рюкзак/шахсий буюмларни саклаш учун сумка	та	1	1	3

Юмшоқ буюмлар

39.	Чойшаблар	та	3	1
40.	Кўрпа чойшаблари	та	2	1
41.	Ёстиқ жилди	та	3	1
42.	Сочик	та	2	1
43.	Пахмоқ сочиқ	та	2	1
44.	Жун ёки момиқли адёл	та	1	6
45.	Пахмоқ адёл	та	1	3
46.	Тўшак	та	1	4
47.	Пар ёстиқлар	та	1	6
48.	Ўринга ёпиладиган чойшаб	та	1	3
49.	Каравот олдига тўшаладиган гиламча	та	1	4

Ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматларининг
фаолиятини ташкил қилиш түғрисидаги низомга
3-илова

**Ёшларни шахсий гигиена буюмлари билан таъминлаш
нормалари**

Т/р	Шахсий гигиена буюмларининг номи	Ўлчов бирлиги	Бир нафар болага			
			Ўғил болалар учун		Қизлар учун	
			Сони	Фойдаланиш муддати (йил)	Сони	Фойдаланиш муддати (йил)
1.	Тиш пастаси	та	12	1	12	1
2.	Тиш чўткаси	та	3	1	3	1
3.	Кир совун	та	12	1	12	1
4.	Атир совун	та	24	1	24	1
5.	Кир ювиш порошоклари	пакет (400г.)	12	1	12	1
6.	Соқол олиш буюмлари	та	12	1	5	1
7.	Тароқ	та	2	1	2	1
8.	Ҳожатхона қофози	рулон	24	1	24	1
9.	Шампунь	та (200 г.)	12	1	12	1
10.	Дезодорант (аэрозоль)	та	6	1	6	1
11.	Гигиена қистирмалари	ўрам (10 тадан)			12	1
12.	Момик пахта	ўрам (200 г.)			4	1
13.	Пойабзal мойи	тюбик	6	1	6	1
14.	Соқол олингандан кейин ишлатиладиган лосьон	флакон (100-150г.)	6	1		
15.	Бадани ювиш учун губка	та	2	1	2	1
16.	Тогора	та	1	3	1	3

Ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматларининг
фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низомга
4-илова

Ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматларининг намунавий штатлари

Т/р	Лавозимлар номи	Бир ўлчов бирликка	Штат бирликлари сони	ЯТС бўйича разряди
1.	Координатор	хизмат	1	8
2.	Болалар ва ўсмирлар билан тарбиявий иш олиб борувчи педагог-ташкilotчи*	хизмат	8	Халқ таълими муассасасидаги педагог-ташкilotчининг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади
3.	Хизмат хоналари фарроши	хизмат	0,5	1

* Ҳар бир педагог-ташкilotчи ҳамроҳлик қиласиган ёшларниң сонидан келиб чиқиб, педагог-ташкilotчи штат бирлиги сони белгиланганидан кўп ёки кам бўлиши мумкин.

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Уюшма хизматнинг умумий штатлар сони доирасида ушбу штат нормативларига ўзгартиш киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “2Г” ноябрдаги 738 -сон қарорига
3-илова

**Ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматларининг фаолиятини
ташкил қилиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган болалар ва оиласлар учун SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматларини (кейинги ўринларда – хизмат) ташкил этиш, уларнинг мақоми ва фаолият тартибини белгилайди.

2. Хизмат SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси филиалининг (кейинги ўринларда – филиал) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Хизмат оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган болалар ҳамда оиласларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган ижтимоий хизматлар кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси бошқарувининг қарорига асосан ташкил қилинади.

3. Хизмат ходимларининг функционал вазифалари ҳамда ижтимоий хизматлар турлари SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси (кейинги ўринларда – уюшма) томонидан тасдиқланади.

2-боб. Хизматнинг мақсад ва вазифалари

4. Хизматнинг мақсади оиласларниң барча эҳтиёжларини қондира оладиган мустаҳкам оила фаолиятини шакллантириш орқали ижтимоий етимликни олдини олиш.

5. Хизматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

болаларнинг оиласида ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш орқали уларнинг хуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш;

оиласининг ички муносабатларида оиласининг барча аъзолари ўртасида самимийликни йўлга қўйиши;

болаларни тарбиялашда ота-оналарнинг билим даражасини ошириш ва ота-оналиқ кўникмаларини шакллантириш;

болалар ва оиласларнинг муаммоларини ижобий хал қилиш усуллари бўйича жамиятга кўмак кўрсатиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласларни жамиятга интеграциялаш, уларни жамиятдан ажратиш ва бошқа салбий стереотипларни бартараф қилиш;

болаларнинг ўз оиласарида яшаш хуқуқларини таъминлаш учун манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигини тузиш;

оиласида болаларнинг ўсиши ва ривожланиши учун энг яхши муҳитни яратишга кўмаклашиш;

ижтимоий етимликнинг олдини олиш ва бартараф қилиш учун бошқа чоратадбирларни амалга ошириш.

3-боб. Хизмат фаолиятини ташкил қилиш тартиби

6. Хизмат болалар ва уларнинг оиласларига кенг миқёсда ижтимоий, психологик хизматлар кўрсатади ва уларни ҳар тарафлама қўллаб-кувватлайди.

7. Хизмат филиал ҳудудида ва/ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки бошқа хамкор ташкилотлар ҳудудида (ижараға олинган биноларда) ташкил этилади.

Хизмат оиласарга хизмат кўрсатадиган мутахассисларнинг мобил гурухларини ҳам йўлга кўйиши мумкин.

8. Кўрсатиладиган хизмат турлари, кўлами ва давомийлиги уюшма томонидан тасдиқланган ички ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

9. Психологик хизматлар болалар ва ота-оналарнинг психологияк барқарорлик даражасини ошириш, ҳаёт қийинчиликларига бардош бериш қобилиятини шакллантириш мақсадида уларнинг эҳтиёжларига мувофиқ якка тартибда ҳамда гурух ҳолидаги маслаҳатлар, ташхислаш ва психологик коррекция чоралари шаклида кўрсатилади.

10. Хизмат ўзини ўзи ривожлантириш, ота-оналик қўникмалари, қаттиқ ҳаяжон ва ҳис-туйгуларни бошқариш, алоқа ўрнатиш, етакчилик, болаларни ривожлантириш психологияси, оиласадаги низоларни бошқариш, ташқи дунё билан мулоқот қилиш қўникмаларини яхшилаш, жамиятга мослашиш қобилиятлари, шахсий гигиена қўникмалари, ўзини ўзи намоён этиш қўникмалари, соғлом турмуш тарзи ва бошқа ҳаётий қўникмалар бўйича тренинглар ташкил этади.

11. Хизмат болалар учун хизмат ҳиссий ва когнитив ривожланиш синфлари, мактабга тайёргарлик гурухлари, мактаб ёшидаги болалар учун куни узайтирилган гурухлар, мактабдан ташқари тадбирлар, компьютер саводхонлиги бўйича машғулотлар, шунингдек, мусиқа, рақс тўгаракларини ва бошқа тўгаракларни ташкиллаштириб беради.

12. Хизмат ёшларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, улар учун ўзига ўзи ёрдам гурухи, мунозара клублари, мавзули учрашувлар, ёшлар клублари ва бошқаларни ташкил этишда ёшларга кўмаклашади.

13. Хизмат болалар ва оиласарга тиббий ёрдам олишда, эмлаш, амбулаторияда, стационар, санаторийда даволаниш, тиббий реабилитация қилишда ёрдам беради. Бундан ташқари, дори-дармонлар, уй аптечкалари, маҳсус жиҳозлар ва шахсий фойдаланиш мосламалари (ногиронлар аравачаси, эшитиш аппарати ва бошқалар) сотиб олишда ҳам ёрдам кўрсатади.

14. Хизматнинг ижтимоий ходимлари репродуктив саломатлик, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, ОИВ/ОИТС каби соҳаларда болалар ва катталарнинг хабардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этади.

15. Зарур ҳолларда хизмат болалар ва катталар билан саломатликка оид уларни қизиқтирадиган масалалар бўйича гурух кўринишидаги маҳсус мунозараларни ўтказиш учун мутахассисларни таклиф қиласи/ёллайди.

16. Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда хизмат болалар учун ёзги оромгоҳ ва санаторийларга йўлланма олишда ёрдам беради.

17. Хизмат қуидаги йўналишлар бўйича якка тартибда ва гурух шаклидаги маслаҳатлар, тренинглар, семинарлар ва учрашувларни ташкил этади:

ота-оналик қўникмаларини ошириш;

болаларни тарбиялаш масалаларида маслаҳатларни тақдим этиш;

ота-оналарнинг болалар хуқуқ ва эҳтиёжлари соҳасидаги билимларини ошириш;

ота-оналарнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари соҳасидаги билимларни ошириш.

18. Хизмат тутинган ота-оналар ва васийларни (ҳомийларни) қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, болалари институционал тарбия муассасаларидан (болалар уйлари, меҳрибонлик уйлари, ва ҳ.к.) қайтиб келган оиласарнинг ота-оналарига мавзули машғулотларни ташкил этади.

19. Болаларини мактабгача таълим ташкилотида қолдириш имконига эга бўлмаган ота-оналар, ишламайдиган ва болаларини парвариш қилаётган ёш оналар учун уларнинг бандлигини таъминлашга, бошқа масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериш мақсадида болаларнинг тегишли хизмат хонасида кундузги вақтда қолиш имконияти ташкил этилади.

Болаларни кундузги вақтда парвариш қилиш ота-оналар билан хизмат ўртасида тузилган келишувга кўра амалга оширилади.

Хизматнинг ушбу тури 1 ёшдан 6 ёшгacha бўлган болалар учун мўлжалланган. Гуруҳда бир вақтнинг ўзида 5 дан ортиқ бола бўлмаслиги керак. Болалар кундузги парвариш гурухида бўлган вақтида мутахассислар томонидан болаларнинг ёши ва ривожланиш хусусиятларига қараб билимларини ривожлантиришга қаратилган ишлар олиб борилиши мумкин.

20. Хизмат оиласарга йўқолган ҳужжатларини тиклаш, мулк хуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, ижтимоий нафақалар сўраб мурожаат қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш, алимент олиш ва тўлаш каби хуқуқий хусусиятдаги масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.

21. Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда хизмат касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, янги касб-хунарларни ўзлаштириш, улар бўйича стажировка қилиш ва ишга жойлашишда кўмаклашади.

22. Хизмат ўсмирлар учун касбга йўналтириш бўйича чора-тадбирларни ташкил қиласи.

23. Оиласарнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида, шунингдек, оиласадаги инқизорзли вазиятларда хизмат болалар ва оиласарга моддий ёрдам, шу жумладан, озиқ-овқат солинган пакетлар, кийим-кечак ва бошқа энг зарур буюмларни тақдим этиши мумкин.

24. Хизмат жамият аъзоларига, болалар ва ота-оналар учун миллий ва ҳалқаро байрамларга бағишлиланган ижтимоий тадбирларни ташкил этишда ёрдам беради. Шунингдек, хизмат болалар ва оиласар учун мавзуга оид танлов ва викториналар, байрам тадбирлари, маданий ҳордиқ чиқариш тадбирларини ташкил қилиши мумкин.

25. Болалар ва оиласарга ёрдам бериш учун хизмат штатдаги ва жалб қилинган мутахассислардан пулли асосда ёки жамоатчилик асосида фойдаланади.

26. Болалар ва оиласар ҳақида мутахассислар томонидан олинган маълумотлар махфийдир ва ошкор қилинмайди.

27. Хизмат ҳимояга муҳтож оиласар ва болаларни ижтимоий қўллаб-куватлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришга жалб қилинган ҳамкор ташкилот ходимларининг билим ва малакаларини оширишга кўмаклашади.

28. Хизматнинг ўз ресурслари етарли бўлмаган холатларида хизмат ҳамкор ташкилотларнинг иштирокини таъминлайди.

4-боб. Хизматнинг мақсадли гуруҳи

29. Хизматнинг мақсадли гуруҳи 18 ёшгacha бўлган қўйидаги тоифадаги болалардир:

ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлиш хавфи остидаги болалар;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар;

ота-оналари фарзандларига тегишли тарзда ғамхўрлик қилиш имконияти йўқ болалар;

кўп болали оила фарзандлари;

ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

ўз оиласига реинтеграция қилиш имконига эга бўлган болалар.

30. Хизматга қабул қилинган болаларнинг ота-оналари ҳам хизматдан ёрдам олишлари мумкин.

31. Хизматга қабул қилинмаган мушқул вазиятга тушиб қолган болалар ёки оиласар зарур ёрдам олиш учун тегишли ваколатли органларга ёки жамоат ташкилотларига юборилади.

5-боб. Мақсадли гурухларни қабул қилиш ва чиқариш мезонлари

32. Хизматга қабул қилишда оила болаларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиш хавфи мезонлари бўйича баҳоланади.

Хизматга қабул қилиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ваколатли органларнинг (vasiylik va ҳомийлик органлари, таълим ва тиббиёт муассасаларининг) хизматга мурожаатлари/йўлланмалари;

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳамкор ташкилотлар, шу жумладан, нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг хизматга мурожаатлари/йўлланмалари.

33. Хизмат оиласарга 6 ойдан 18 ойгача ҳамроҳлик қиласди. Бу вақт мобайнида хизматнинг саъй-ҳаракатлари оиланинг ўзини ўзи таъминлаш мезонларига эришишига қаратилади. Оила ўзини ўзи таъминлаш мезонларига эришганидан сўнг хизматнинг ҳамроҳлигидан чиқарилади.

Оиланинг ўзини ўзи таъминлаш мезонлари қўйидагилардир:

ота-оналарнинг болаларни сифатли парвариш қила олиши (улар ота-оналий кўникмаларига эга бўлиб, болалар ҳуқуқлари тўғрисида биладилар);

оиланинг етарли ресурсларга эга бўлиши (иқтисодий хавфсизлик, барқарор уйжой, озиқ-овқат билан таъминланганлик);

болаларнинг асосий эҳтиёжлари қондирилиши (таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар).

Ушбу мезонларга эга бўлиш оилани ривожлантириш режасида белгиланган мақсадларга эришганлигини англатади.

34. Оилани ривожлантириш режаси ҳар 6 ойда оилани хизматдан чиқариш масаласини аниқлаш учун баҳоланади.

35. Оила ўз хоҳишига кўра хизматдан белгиланган муддатидан аввал чиқиши ёки ҳамкорлик қилмаслиги сабабига кўра хизматдан чиқарилиши мумкин.

36. Агар оила 18 ой давомида хизмат ҳамроҳлигига бўлиб, режалаштирилган мақсадларга эришмаса, бу оиласа келгусида ҳамроҳлик қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли хизматдан чиқарилиши лозим. Ушбу қоиданинг ҳар бир истисноси уюшманинг ички хужжатларига мувофиқ қатъий асосланган бўлиши керак.

6-боб. Инфратузилма ва зарур ресурслар

37. Хизмат ушбу Низомда баён қилинган барча хизматларни тақдим этиш учун етарли хоналарга эга бўлиши керак.

38. Мутахассислар, алоҳида ва гуруҳ ҳолидаги маслаҳатлар, гуруҳ машғулотлари, тренинглар ва семинарлар иши учун хоналар, болаларнинг яшаш жойлари, ўйин хонаси, ресурс хонаси тегишли мебель, жиҳозлар, компьютер,офис ва мультимедиа техникаси, маҳсус асбоб-ускуналар ва анжомлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

39. Агар аҳоли пунктида касбий кўникмаларга эга бўлиш учун ўқув марказлари бўлмаса, хизматнинг маҳсус жиҳозланган хоналарида касбий кўникмаларга эга бўлиш учун шароит яратилади. Шу мақсадда хоналарда асбоб-ускуналар (тикувчилик, сартарошлик, ошпазлик ва бошқалар) ўрнатилади. Ушбу асбоб-ускуналар ва жиҳозлар тегишли шартнома тузилган ҳолда касб эгаллаш ва қонуний даромад олиш мақсадида вақтинча фойдаланиш учун оиласарга берилиши мумкин.

40. Агар хизмат атрофида қулай ҳудуд бўлса, унда жиҳозланган болалар ўйин майдончаси яратилиши мумкин. Қишлоқ жойларда хизмат атрофидаги ҳудуд жамоалар аҳолисининг иқтисодий фаровонлигини ошириш, яъни жамоалар аҳолиси томонидан нон ёпиш мақсадида миллий печларни (тандирларни) ўрнатиш, сабзавот ва мевали дараҳтларни экиш учун ишлатилиши мумкин.

41. Мутахассисларнинг мобил гурӯҳи ишини таъминлаш мақсадида хизмат болалар ва оиласаларга қулай бўлған ҳудудда мобил гурӯхнинг кўчиб юриб хизмат кўрсатиши учун транспорт воситаси билан таъминланади.

7-боб. Хизмат таъминоти ва уни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш

42. Хизмат таъминоти ва уни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш давлат бюджети маблағлари, муассислар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ишчиларга тўланадиган иш ҳаки, коммунал хизматлар харажатлари ва бошқа жорий харажатлар, бино ва иншоотларни сақлаш харажатлари, уларни таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва бошқа хизмат харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаштирилади.

Хизмат, шу жумладан, юқорида санаб ўтилган харажатларга қўшимча сифатида муассислар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига бошқа харажатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-боб. Хизмат штати ва бошқаруви

43. Хизмат ишини бошқариш филиал директорининг бевосита раҳбарлигига координатори томонидан амалга оширилади.

44. Хизмат ходимларининг сони 1-иловада келтирилган Намунавий штатларга мувофиқ белгиланади.

Ижтимоий етимликнинг олдини олиш
хизматларининг фаолиятини ташкил
қилиш тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматларининг
намунавий штатлари**

Т/р	Лавозимлар номи	Штат бирликлари сони				ЯТС бўйича разряди
		Тошкент шаҳри	Самарқанд шаҳри	Урганч шаҳри	Шовот тумани	
1	Координатор	1	1	1		8
2	Координатор ёрдамчиси	1				5
3	Етакчи ижтимоий ходим	1	1	1	1	7
4	Ижтимоий ходим	4	4	2	2	6
5	Психолог	2	2	1	1	Халқ таълими муассасаларидаги психологнинг базавий тариф ставкасига тенгланширилади
6	Хизмат хоналари фарроши	0,5	0,5		0,5	1
7	Юрисконсульт	0,5	0,5	0,5		8
8	Ишга жойлаштириш бўйича мутахассис	0,5	0,5	0,5		4
9	Қоровул				2	1

Изоҳ: SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги билан келишувга кўра ва хизматнинг умумий штатлар сони доирасида ушбу
штат нормативларига ўзгартиш киритилиши мумкин.

